

**Қашқадарё вилоят махаллий бюджетидан маблаг олувчи ташкилот ва корхоналарга ичимлик суви
етказиб бериш ва окова сув хизмати курсатиш буйича**
ШАРТНОМА № 16

Қарши шахри.

« 05 » январ 2022 йил.

Карши шахар мактабгача таълим бўлими (бундан бўён "Истемолчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари Б.Муминов бир томондан ва Қарши шахар «Сувокова» филиали (бундан бўён "Таъминотчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият курсатувчи раҳбари З.Нажимов, иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар хакида туздилар

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

1.1 "Таъминотчи" «Истемолчи»га ичимлик сувини етказиб бериш ва окова сувларини кабул килиш (агар тегишли окова тармогига уланган булса) мажбуриятини уз зиммасига олади. «Истемолчи» етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизматидан бюджетда назарда тутилган маблаг доирасида самарали ва окилона фойдаланади. «Туловчи» уз урнида амалда кулланилаётган тарифлар асосида ва ушбу шартномада кайд этилган шартлари буйича «Таъминотчи»га хизмат туловларини уз вактида тулаб бериш мажбуриятларини олади.

1.2. «Истемолчи» томонидан окова сув тармогига ташланган окова сувлар микдори "Таъминотчи" ва «Истемолчи» томонидан узаро ҳал килиниб кабул килинади.

1.3. Ичимлик сувини етказиб бериш ва окова сув хизмати курсатиш буйича томонларнинг хукук ва мажбуриятлари Узбекистон Республикаси амалдаги «Сув таъминоти ва окова сув хизмати курсатиш тизимларидан фойдаланиш коидалари»даги (матн давомида «коидалар») ва ушбу соҳадаги бошка меъёрий хужжатларга асосан аникланади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. «Таъминотчи»нинг хукук ва мажбуриятлари:

2.1.1. «Истемолчи»ни шахар сув ва окова сув тармогига уланган инженер-техник воситалари оркали коммунал тармогидан фойдаланиш чегарасигача ичимлик суви билан таъминлайди ва окова сув хизмати курсатади (агар тегишли окова сув тармогига уланган булса). (Коммунал тармогидан фойдаланиш чегараси «Истемолчи» нинг шахар ичимлик суви ва окова сув хизмати курсатиш тармогига уланган жойидир).

2.1.2. «Истемолчи» нинг тармокка уланган жойигача булган ичимлик ва окова сув тармогида таъмирлаш, кайта тиклаш, кенгайтириши, янгилаш ҳамда сув кувурларидағи барча ҳалокат (авария)ларни бартараф этиш каби ишларни амалга оширади.

2.1.3. Шахар ичимлик ва окова сув тармогида таъмирлаш ёки бошка турдаги ишларни олиб бораётган холларда ёки «Истемолчи» томонидан тулов амалга оширилмаган ва ушбу шартноманинг шартлари бажарилмаган холларда «Истемолчи» ни олдиндан огохлантириб ичимлик суви беришни ва окова сув хизмати курсатишни тухтатади.

2.1.4. Куйидаги холларда «Истемолчи» га хабар бермасдан туриб, ичимлик суви етказишини ва окова сув хизмати курсатишни тутла ёки кисман тухтатади:

- «Сувокова» корхоналарини электр куввати билан таъминлаш тухтатилганда;
- Табиий оғатлар юз берганда;
- Шахар сув тармогида кучли ҳалокатлар юз берганда.

2.1.5. «Истемолчи»нинг сув тармогини лойихасига асосланиб унинг ички сув таъминлаш тармогини ва сув улчаш асбобларини холатини назорат килиб боради ва уларнинг тугри техник фойдаланиш шакланиш шартларига амал килинишини талаб килади.

2.1.6. Сув улчаш асбоби курсатгичларини ва улардаги мухрларнинг сакланишини кузатиб боради.

2.1.7. «Истемолчи»ларнинг гурухларига караб ичимлик суви етказиб бериш ва окова сув хизмати курсатиш учун (агар тегишли окова сув тармогига уланган булса) белгиланган тарифлар асосида тулов хужжатларини тақдим этади.

2.1.8. «Истемолчи» га ичимлик суви етказиб бериш ва окова сув хизмати курсатиш буйича тарифларни узгаргани тугрисида уларни амал килиш муддатидан камида 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари оркали хабар беради.

2.1.9. «Истемолчи»га амал килиш учун курсатмаларни ва «Истемолчи»нинг вакили билан тасдиқланиши зарур булган далолатномаларни тақдим этади. «Истемолчи» юкорида айтилган хужжатларга кул куйишдан бош тортса тушунмочилик баённомасини тузади ва хужалик судига куриб чиқиши учун белгиланган тартибда топширади.

2.1.10. «Истемолчи»га 2022 йил давомида бюджетдан ажратилган маблаг доирасида белгиланган 1 м куб ичимлик сув микдори 4420 сўм _00_ тийин 10180 м³ 44 995 600 сўмлик микдорида ичимлик суви етказиб беради

2.1.11. «Истемолчи»га хар ойнинг 1-санасигача ушбу утган ойда курсатилган хизмат счет-фактураларини тақдим килади.

2.2. «Истемолчи» нинг хукук ва мажбуриятлари:

2.2.1. Узига тегишли сув етказиши ва окова сувларини узатиш тармогининг техник холатини ва фойдаланилишини керакли равишда назорат килади. Уз худудидаги ичимлик сувининг барча турдаги окувларини ва самарасиз фойдаланилишини бартараф килиш учун тегишли тадбирларни амалга оширади.

2.2.2. Шартномада курсатилган хар ойда белгиланган лимит буйича туловнинг 15 %ини олдиндан тулаб беради.

2.2.3. Шахар ичимлик суви билан таъминлаш ёки окова сувларини узатиш тармогига уланишдан олдин «Таъминотчи»дан белгиланган нарҳда техник шартларни олади ва унга сув таъминлаш ёки окова сувларини узатиш тармогининг лойихасини (узига карашли шахар сув тармогига уланган барча обьектларнинг жойлашишини) тақдим этади. Шахар ичимлик суви ёки окова сувларини узатиш тармогига уланиш ёки ундан узилиш харажатларини «Истемолчи» уз зиммасига олади.

2.2.4. Сув улчаш асбобини хар бир шахар ичимлик сув тармогига уланган кувурга коида асосида куляй ва химояланган жойга урнатади. Сув улчаш асбобини урнатиш «Истемолчи»нинг зиммасига юкланди ва унинг хисобидан харид килинади .

2.2.5. Сув улчагич асбобидаги муҳрларнинг сакланишини назорат килади. Муҳрлар бузилган ёки сув улчагич асбоби ишдан чиккан холларда «Сувокова» корхонасига уч кун ичида ёзма равишда хабар беради. Сув улчагич асбоблари «Давлат синов ва сертификатлаш маркази» (Госстандарт) ёки уларнинг ваколатли корхоналари томонидан текширилишини ва муҳрланишини хамда доимий текширувдан утишини уз хисобидан таъминлади.

2.2.6. Сув улчагич асбобини таъмираш, алмаштириш ёки текшириш максадида ечиб олишдан олдин «Сувокова» корхонасига хабар беради ва унинг вакили билан биргаликда сув улчагич асбобининг охирги курсатгичини тасдиклади.

2.2.7. «Таъминотчи»га сув улчаш асбоби урнатилган жойни ва сув тармогини куздан кечиришида шароит ёки имконият яратиб бериши шарт.

2.2.8. Уз худудидаги сув тармоги лойихасини узгаришини ва суб-мижозларнинг уланган холларини «Сувокова» корхонасига хабар беради. Улардан алоҳида сув улчагич асбоблари урнатилишини ва «Сувокова» корхонаси билан ичимлик сувидан фойдаланиш буйича шартнома тузишини талаб килади.

2.2.9. Шахар сув тармогига ноконуний улангани ва уз худудидаги ичимлик сувидан бехисоб фойдалангани учун конун асосида жавоб беради.

2.2.10. Хар ойнинг 20-санасидан то 25-санасигача ушбу ойда фойдаланилган ичимлик суви буйича ваколатли шахслар томонидан тасдикланган ва муҳрланган далолатномани «Сувокова» корхонасига топширади. Далолатнома белгиланган вактда етказилмаган холда ичимлик суви сарфи шартноманинг 3.2. бандига асосан хисоб-китоб килинади .

2.2.11. Бюджет ташкилотлари ичимлик сув туловлари учун белгиланган моддий лимитларга амал килади.

2.2.12. Уз карори билан ички сув етказиш тармогига, иншоотларига ва сув улчагич асбобларига жавобгар шахсни белгилайди ва у тутрисида «Сувокова» корхонасига уз вактида маълумот беради.

2.2.13. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган хисоб фактуралар нусхасини хар ойда «Туловчи»га етказиб беради.

2.3 «Туловчи»нинг хукук ва мажбуриятлари:

2.3.1. «Туловчи» факатгина харажатлар сметасидаги етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизмати курсатиш харажатлари учун 2022 йилда ажратилган маблаглар доирасида туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.3.2. «Таъминотчи»га етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизмати курсатиш харажатлари учун конунчилик асосида белгилаб берилган Узбекистон Республикаси амалдаги тарифлари буйича хак тулайди.

2.3.3. Етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизмати курсатиш харажатлари учун туловлар накд пулсиз бюджет ташкилотининг харажатлар сметасида кузда тутилган маблаглар доирасидан чикмаган холда мазкур шартноманинг

3.3. бандидаги ойма-ой графигига асосан туловни амалга оширади.

2.3.4. «Таъминотчи»дан хар ойнинг охирида бюджет ташкилотларига етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизмати курсатиш харажатлари учун микдори ва суммаси буйича маълумот олишга хаклиди.

2.3.5. «Истеъмолчи»нинг сув истеъмоли келишилган лимитдан яъни $10\ 180\ m^3$ дан ошса, у холда лимитдан ортикча олинган хар бир m^3 ичимлик сув учун 10 ортирилган коэфцент билан хисоб-китоблар коида буйича хисобланади.

III. ХИЗМАТ ХАКИ, ТУЛОВЛАР ТАРТИБИ

3.1. Фойдаланилган ичимлик суви ва курсатилган окова сув хизмати учун хисоб-китоб «Истеъмолчи» нинг сув улчагич асбобини курсатгичи асосида олиб борилади. Агарда сув улчагич асбоби ишдан чиккан булса ёки маҳсус муҳрлар касддан узилган булса фойдаланилган ичимлик суви сарфи ва курсатилган окова сув хизмати микдори уланилган кувурнинг кесими буйича хисобланади . Агар сув улчагич асбобининг носозлиги ёки муҳрларнинг йўклиги (бузилганилиги) бартараф килинмаган булса кейинги ойлар хам ичимлик суви сарфи хисоб - китоби кувурнинг кесими буйича хисобланади

3.2. Уланган кувурнинг кесими буйича кунлик сув сарфи кўйидаги формула буйича хисобланади: $Q=2.65xFxH$. Бюджет ташкилотлари учун кувурнинг кесими буйича хисобланган сув сарфи хар куни 8 соатга хисобланади .

3.3. «Сувокова» корхонаси «Истеъмолчи» га етказиб берилган ичимлик суви ва окова сув хизмати учун тулов варакасини 30 (Уттиз) кунлик муддат билан тақдим килади. Тулов микдори хисобот ойининг 15% микдорини олдиндан туланган хак сифатида узида мужассам этади. «Истеъмолчи» хар ой етказиб берилган ичимлик суви ва курсатилган окова сув хизмати учун кўйидаги график асосида бюджетдан ажратилган маблаглар хисобидан хак тулашни уз зиммасига олади. Жумладан:

| 2022 йил жами | 1-чорак | | | 2-чорак | | | 3-чорак | | | 4-чорак | | |
|---------------|----------|---------|---------|---------|-----|-----|---------|------|------|---------|-------|------|
| | Янв. | Фев. | Март | Апр. | Май | Июн | Июл | Авг. | Сен. | Окт. | Ноябр | Дек. |
| 10180 м3 | 6787 | 1131 | 2262 | | | | | | | | | |
| 44 995 600 | 29998540 | 4999020 | 9998040 | | | | | | | | | |

3.4. Бюджет ташкилотларининг смета харажатларига йил давомида киритиладиган узгаришлар хизмат курсатувчи, хизмат олуви ва хизмат хакини туловчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклиди.

3.5. Курсатилган муддатда пул утказилмаган тақдирда карздорлик туланмаган хар бир кун учун микдорининг

0,2%ни

микдорида жарима ундирилади, бу микдор карздорлик суммасининг 50 % идан ошмаслиги керак.

3.6. Мазкур шартноманинг 2.2.6.-2.2.9. бандлари бузилган такдирда, «Таъминотчи» билан «Истемолчи» ургасида тегишли далолатнома тузилади ва бир ойлик ичимлик суви сарфи хисоб-китоби шартноманинг 3.2. бандига асосан жарима сифатида хисобланади.

3.7. Белгиланган муддатда «Туловчи» томонидан тулов амалга оширилмаган такдирда, «Истемолчи»га огохлантириш хати юборилади. «Таъминотчи» «Истемолчи»га ичимлик сувини етказиб беришни тухтатади ва хужалик судига даъво аризаси билан мурожаат килади. «Истемолчи» томонидан «Таъминотчи»нинг карзлари тулик тулаб берилгандан сунг ёки ёзма равишда карзларни тулаш зиммаси юклатилгандан кейин ичимлик суви етказиб бериш ва окова сув хизмати курсатиш кайта тикланади.

3.8. «Таъминотчи» билан шартнома тузган «Истемолчи» нинг ички сув тармогига бошка истемолчилар гурухига карашли суб-мижозлар уланган булса ушбу суб-мижозлар билан сув сарфи хисоб-китоби алоҳида тузилган шартнома ва белгиланган тарифлар асосида хисоб-китоб килиб борилади.

3.9. «Истемолчи»нинг сув истемоли келишилган лимитдан яъни $10\ 180\ m^3$ дан ошса у холда лимитдан ортичча олинган хар бир m^3 ичимлик суви хисоб-китоби кейинги гурух тариф нархи билан хисоб-китоб килинади.

IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Томонлар ургасида келишмовчилик ва низолар узаро келишилган холда ечилиши лозим, ечимини топмаган холда Узбекистон Республикасининг амалдаги конунчилиги асосида суд органларига мурожаат килишлари мумкин.

4.2. Томонлар ургасидаги шартнома бекор килинган такдирда хам улар келтирилган зарар ва узаро карздорлик жавобгарлигидан озод килинмайдилар.

4.3. Шартнома шартларининг бажарилишида ва шартномада акс эттирилмаган масалаларни хал килинишида томонлар «Коидалар» асосида иш юритадилар.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ

5.1. Шартнома икки томон хам имзолаган кундан бошлаб кучга киради амал килиш муддати 2022 йил 05 январдан 2022 йил 31 декабргача ўз кучини саклаб колади.

5.2. Шартнома уз иш фаолиятини тухтатган, кайта барпо килган ёки «Таъминотчи» хизматидан фойдаланиш рад этилган холларда «Истемолчи» томонидан бекор килиниши мумкин.

5.3. Шартноманинг шартлари томонларнинг келишуви билан факат ёзма равишда узгартирилиши мумкин.

5.4. Шартнома уч нусхада тузилган булиб, учала нусхаси хам бир хил хукукий кучга эгадир.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК МАЪЛУМОТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истемолчи»

Карши шахар «Сувокова» филиали

Карши шахар мактабгача таълим бўлими

Манзил: Мичурин кучи №60-уй.

Манзил : Ислом Каримов кучаси 405 уй

Банк номи: АТИБ Ипотека банк .

Тел: +998 91 210 98 67

Кашкадарё филиали

X/p: 100022860104017091100251042

X/p: 22638000404291550343

ИНН 30 515 4445

Банк коди: МФО 00190 .

Ўзбекистон Республикаси Молия ваз. Газначилиги

ИНН: 204737079.

X/P 23402000300100001010 ИНН 201 122 919

ОКОНХ : 90213.

Банк Марказий банк Тошкент ш МФО 00014

Тел: 225-03-96.

Рахбар:



Б.Муминов

М.У:



Бошлиқ: 3.Нажимов